Ушбу сонда:
2 ҚОНУН БАРЧА УЧУН БАРОБАР
3 TV - ДАСТУРИ
4 КЎРИК САБОҚЛАРИ «Европа киноси кунлари» якунига доир

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
ОЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 8 июн, жума №88 (1102)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ГУУАМ: БУРИЛИШ САММИТИ

***Ялта, 7 июн. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Украина Президенти Леонид Кучма билан учрашди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шундан сўнг машҳур Левадия саройида ГУУАМнинг ялпи мажлиси бошланди. Мажлисни Украина раҳбари Л.Кучма очиб, бу тадбир ГУУАМнинг ривожланиш жараёнидаги бурилиш босқичи бўлаётганини таъкидлади.

Мажлисда нутқ сўзлаган Ўзбекистон Президенти ГУУАМ хартиясининг қабул қилиниши уни тўлақонли халқаро ташкилотга айлантириши ва шу билан бирга, мазкур тузилма атрофидаги гап-сўзларга чек қўйишини қайд этди. Ислом Каримов аъзо давлатларни биринчи галда иқтисодий масалалар атрофида бирлашишга чақирар экан, ўзининг ГУУАМни ривожлантириш борасидаги таклифларини, фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Дарҳақиқат, Хартиянинг қабул қилиниши катта воқеадир. Ислом Каримов ГУУАМни ҳали туғилмаган, лекин тақдири ҳақида ҳар хил гаплар гапирилган болага қиёслади. Ниҳоят, Хартия қабул қилиниши билан тузилма ҳақидаги бундай миш-мишларга чек қўйилади, унинг мақсад ва вазифалари аниқ белгиланади, расмийлаштирилади. Бунда барча аъзо давлатлар эътибор қаратган биринчи жиҳат ташкилотнинг бирор давлатга қарши эмаслиги ва фақат бунёдкорлик руҳидаги ишларни амалга ошириш, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида бўлган мамлакатларнинг бирлашмаси эканлигидир.

Ислом Каримов мажлис иштирокчиларига транспорт коммуникацияси, савдо-иқтисодий алоқалар билан бир қаторда, илм-фан, технология ва ижтимоий соҳадаги ҳамкорликни ҳам ривожлантиришни таклиф этди. Шунингдек, ГУУАМ тараққиёти учун БМТ, Европа Иттифоқи, ЕХҲТ, Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши ҳамда Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки каби нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

Мажлис ниҳоясида президентлар «ГУУАМ Хартияси»га имзо чекди. Шунингдек, Фавқулодда вазиятларда аъзо давлатлар консуллик муассасаларининг ГУУАМ мамлакатлари фуқароларига ёрдам кўрсатиши тўғрисидаги конвенция қабул қилинди.

Шу билан ГУУАМнинг Ялта саммити ниҳоясига етди.

**(ЎзА).**

Оролбўйида экологик мувозанатнинг бузилиши аҳоли саломатлигига жиддий хавф солмоқда. Сув танқислиги эса аҳволни янада чигаллаштирмоқда. Минтақадаги аҳвол Вазирлар Маҳкамасида бир неча бор муҳокама қилинди. Мамлакатимиз аҳли қорақалпоқ биродарларга имкон қадар кўмаклашишга ҳаракат қилмоқда.

### ОРОЛБЎЙИГА ЁРДАМ

Андижонликлар ҳам савоб ишдан четда турмай, Қорақалпоғистонга умумий қиймати 18 миллион 597 минг сўмлик инсонпарварлик ёрдами жўнатди.

Вилоят касаба уюшмалари кенгаши ёрдами билан вилоятдаги 9 та оромгоҳда 1 минг 500 нафар қорақолпоғистонлик болалар дам олади. Шу билан бирга уларнинг оналарини соғломлаштиришга ҳам эътибор қаратилди. 300 нафар аёл кенгаш йўлланмаси билан республика сиҳатгоҳларида саломатлигини тиклайди. Ана шу мақсадлар учун яна 65 миллион сўм ажратилди.

*Касаба уюшма имконияти*

## ҚИСҚАРИШГА ТУШГАНЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

***Кундалик масалаларга фаол аралашув, меҳнаткашлар талаб-эҳтиёжини ўрганиш, ташвишига шерик бўлиш бошланғич ташкилот фаолиятининг асосий мезонидир. Бинобарин, зиммамизда улар манфаатини ҳимоя қилиш масъулияти бор.***

Асосан пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган жамоа хўжалигимизда 2 мингдан зиёд касаба уюшма аъзоси меҳнат қилмоқда. Ширкат хўжалигига айлантирилиши сабабли иш жойлари қисқарди. Аммо биз уларнинг барчасини иш билан таъминлашга эришдик. Чунки хўжалик бошқаруви билан тузилган жамоа шартномасида иш билан таъминлаш масаласи ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Хўжалик меҳнаткашларига имкон қадар иш ва дам олиш шароити яратиб берилган. Чорвачилик фермаси ҳамда машина-трактор саройидаги аъзоларимиз махсус кийим-бош билан таъминланган. Меҳнат муҳофазаси ҳам доимий диққат- эътиборимизда. Бу йил иш шароитини яхшилаш ҳамда меҳнат муҳофазасига бултургидан қарийб икки баравар кўп маблағ ажратганмиз.

Жамоамиз аъзолари ва уларнинг фарзандларини ижтимоий ҳимоялаш, соғломлаштиришнинг кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Кам таъминланган, кўп болали оилаларга касабақўм томонидан турли ёрдамлар уюштириляпти. Масалан, хўжаликда илгари ишлаган даврида жароҳат олиб, ногирон бўлиб қолган 5 нафар кишига доимий моддий ёрдам белгиланган. Бундан ташқари йилига 10 нафардан зиёд аъзоларимизга санаторийларга йўлланма бермоқдамиз. Ҳар йили меҳнаткашларнинг 30-40 нафар фарзандлари оромгоҳларда дам олишмоқда.

Меҳнаткашларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун хўжалигимизнинг 600 ўринли маданият уйида тез-тез турли концертлар уюштирилмоқда. Хўжаликнинг «Шалола» бадиий ҳаваскорлар дастаси доимо аҳоли хизматида. Хусусан, «Янги ҳаёт,» «Галаравот» маҳаллаларида ибратли тадбирлар ўтказилди. Келгусида замонавий стадион қуриш ниятимиз бор.

Бизнингча касабақўм фаоллари меҳнаткашларнинг истак-талабларини чуқур ўрганишлари, мавжуд муаммоларнинг ҳал этилишига яқиндан кўмаклашишлари керак.

**Ф.ФАЙЗИЕВА,**
**Оқдарё туманидаги «Янгиқўрғон» ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси.**

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

***Газетанинг шу йил 14 апрел сонида чоп этилган «Депсиниш» сарлавҳали мақолада Оқолтин туманида қишлоқларни ободонлаштириш, замонавий бинолар бунёд этиш суст бораётгани, айрим жойларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга панжа орасидан қаралаётгани ва туман ҳокимлигининг янги иш ўринлари яратишга оид дастуридаги камчиликлар танқид остига олинган эди.***

***Куни-кеча мазкур мақола юзасидан таҳририятимизга жавоб хати келди. Унинг қисқача мазмуни қуйидагича:***

## ТАНҚИДДАН ТЎҒРИ ХУЛОСА ЧИҚАРИБ

— Мақола туман ҳокимлигининг кенгайтирилган йиғилишида чуқур таҳлил қилинди. Муҳокама шуни кўрсатдики, газета чиқишида баён этилган далиллар ҳақиқатан ҳам тўғри. Биз адолатли танқиддан тегишли хулоса чиқарган ҳолда меҳнат бўлими ва тадбиркорлар палатаси билан ҳамкорликда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан махсус тадбир ишлаб чиқдик. Унга биноан марказий қўрғон Сардобадаги мавжуд сув иншооти таъмирланиб, ишга туширилди. Аҳолини тоза ичимлик сувга бўлган талабини яхшироқ қондириш мақсадида туман марказида 2000 куб.метр сиғимга эга бўлган сув иншоотини қуриш ишлари бошлаб юборилди.

Туман ҳудудида янги иш ўринлари яратиш борасида ҳам маълум силжишларга эришилмоқда. Масалан, жорий йилнинг шу кунигача 69 та деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил қилиниб, 584 нафар фуқаро янги иш ўринларига эга бўлди. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашда кичик корхоналарни барпо этиш муҳим аҳамият касб этади. Янгидан очилган 8 та кичик корхона 32 нафар кишини ишга жойлаштириш имконини берди.

Туман ҳокимлигининг 2001-2005 йилларга мўлжалланган янги иш ўринларини яратиш дастурига асосан келгуси йилда салкам 1000 нафар фуқарони ишга жойлаштириш кўзда тутилган. Ҳокимлик бундан буёнги иш режасида тадбиркорликни ривожлантириш орқали айниқса, ёшларнинг ижтимоий меҳнатдаги улушини кўпайтиришга алоҳида урғу берган.

Шунингдек, ҳудудимиздаги «Ўзбекистон-Италия» қўшма корхонасига қарашли «1-Оқолтин» тикув фабрикаси тубдан таъмирланаётгани сабабли унинг фаолияти вақтинча тўхтатилган. Лекин ишсизликни камайтириш мақсадида корхона қошида фирма ташкил қилиниб, ишга туширилди.

**Т.ҚОДИРОВ,**
**Оқолтин тумани ҳокими.**

## МАҲАЛЛА ШИФОХОНАСИ

Пойтахтнинг қарийб икки ярим минг киши яшайдиган Мирзо Ғолиб номидаги маҳалласида шу кунгача ўзининг тиббий хизмат кўрсатиш шохобчаси йўқ эди. Эндиликда бу ердаги озиқ-овқат дўконлари, новвойхона, дорихона, чойхона, тўйхона қаторига шифохона ҳам қўшилди. Уни эр-хотин шифокорлар - тиббиёт фанлари номзоди, доцент, Республика тез тиббий ёрдам маркази бўлими мудири Шуҳрат Файзиев ва олий тоифали терапевт, Собир Раҳимов туманидаги 34-оилавий поликлиника кундузги стационари раҳбари Раҳима Файзиева очди.

Оқсоқоллар кенгаши уларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, маҳалла гузаридаги бўш турган бинони шифохона учун ажратиб берди. Тадбиркорлар бинони қисқа вақт ичида таъмирдан чиқардилар. Натижада рўйхатхона, шифокор қабулхонаси ва муолажа хонаси жиҳозланди. Шифокорлар терапия, кардиология, физиотерапия, массаж, игна билан даволаш бўйича муолажаларни бошлаб юборди. Ташхис қўйиш ва тиббий маслаҳат хизмати йўлга қўйилди. Уруш қатнашчилари, ногиронлар, эҳтиёжманд оилалар аъзоларига бепул хизмат кўрсатилади.

**(ЎзА).**

## ОНА-БОЛА ЁНМА-ЁН ДАМ ОЛАДИ

Андижон вилояти касаба уюшмаларига қарашли болалар оромгоҳларининг кўпчилиги Халқаро болаларни муҳофаза қилиш куни — 1 июнда иш бошлади. Бу йил оромгоҳларда кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари кўпроқ бўлишига эътиборни қаратишган. Шу билан бир қаторда даволанишга эҳтиёжи бўлган оналарнинг ўз фарзандлари билан бир ерда бўлишларига аҳамият берилаётир.

Гап шундаки, вилоятдаги «Нефтчи» ва «Бешарик» оромгоҳлари катта ёшдагиларни соғломлаштиришга мўлжалланган сиҳатгоҳлар билан шундоққина ёнма-ён жойлашган. Бу, она-болага биргаликда дам олиш ва даволаниш имконини яратди. Шуни ҳисобга олган ҳолда камқон оналар ва уларнинг фарзандлари айнан шу қўшни сиҳатгоҳ ҳамда оромгоҳларга жойлаштирилмоқда.

Мавсумнинг биринчи навбатида шундай она-болалардан 30 нафари бу қулайликдан фойдаланмоқда. Мавсум давомида эса камқон оналардан 90 нафари шу тарзда ўз болалари билан ёнма-ён даволаниб, ҳордиқ чиқаради.

**М.АБДУКАРИМОВ.**

***Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Тарих, мустақиллик, миллий ғоя» мавзуида республика илмий-назарий анжумани бошланди.***

## ЎТМИШСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

Анжуман Академия ҳузурида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда олимлар, республика олий ўқув юртларининг ижтимоий-гуманитар фанлари ўқитувчилари, тарихий тадқиқотлар билан шуғулланаётган аспирантлар, Академия тингловчилари иштирок этмоқда.

Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори А.Азизхўжаев анжуманни очар экан, халқимизнинг мустақиллик ҳақидаги кўп асрлик орзуси ўн йил илгари рўёбга чиққанини таъкидлади. Ўзбекистон халқи бугун жаҳонда «ўзбек модели» номи билан танилган демократик жамият қуриш йўлини танлади ва бу йўлнинг тўғрилигини вақтнинг ўзи ҳам тасдиқлади. Миллий истиқлол ғоялари давлатчилигимиз ва амалга ошираётган ислоҳотларимиз таянчига айланди. Унинг қоида ва тамойиллари Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ҳамда унинг асарларида акс эттирилган.

**(ЎзА).**

*Муаммо кўндаланг қўйилади*

## КРЕДИТОР ҚАРЗ ИСКАНЖАСИДА

***«Хоразмтелеком» акционерлик жамияти шу йилнинг биринчи чораги бўйича режани 101 фоизга бажарди. Корхона ва унинг жойлардаги боғламалари томонидан 402,2 миллион сўмлик даромад олинди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 193,5 миллион сўмга кўп, демакдир. Буларнинг ҳаммаси яхши, албатта. Лекин, жамиятда бир қанча муаммолар ҳам йиғилиб қолган.***

Биринчидан, даромад олиш режасини жамиятга қарашли Урганч шаҳри ва Урганч тумани корхоналари уддалай олишмади. Айрим боғламаларда тариф даромадлари таъминлангани ҳолда, тармоқ режалари бажарилмади. Жўнатилган телеграммалар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 600 тага камайиб, 88,7 фоизни ташкил қилди. Аҳоли жон бошига кўрсатилган пуллик хизмат 158 сўмдан ортди. Лекин бу кўрсаткич телеграф алоқасида атиги 40 тийин, симли радиоэшиттириш бўйича 20 тийинга тўғри келди.

Корхонада айниқса дебитор қарзларини ундириш катта муаммо бўлиб турибди. Яъни, жамият мижозларга 1 апрел ҳолатига нақд 109 миллион сўмлик олдиндан пул олмасдан хизмат кўрсатиб қўйди. Тўғри, ўтган вақт ичида бундай қарзларни ундириш учун бирмунча ишлар амалга оширилди. Масалан, қарздор мижозларга телефонни ўчириш учун огоҳлантиришлар берилди. 41 та мижоз хўжалик судига берилиб, улардан 2 миллион сўм ундириб олинди. Лекин, бу юқоридаги суммага нисбатан жуда кам. Ҳиссадорлик жамиятининг баъзи бир филиалларида олинган даромад дебитор қарзга нисбатан анча юқори. Хусусан, Хазорасп туманида 8,8 миллион сўмлик даромад бўлгани ҳолда, дебитор қарз 19 миллион сўмга етган. Янгиариқ тумани электрон алоқа боғламаси эса 2,1 миллион сўм даромад қилиб, аҳоли, корхона ва ташкилотларга 6,8 миллион сўмлик пулсиз хизмат кўрсатди.

Дебитор қарз кредитор қарзни келтириб чиқаради. Чунки бировга текин хизмат кўрсатган корхона айланма маблағини ташкил қилиш учун кимдандир қарз олади. Агарда шу маънода сўз юритадиган бўлсак, мазкур жамоа кредиторлик қарзи биринчи чоракда 66,5 миллион сўмга етди.

Ўтган давр ичида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича масъул ходимлар томонидан меъёр талаблари бузилишига олиб келган ҳоллар аниқланиб, уларни бартараф этиш учун 39 та кўрсатма берилган. Шунга қарамасдан Питнак, Янгиариқ, Боғот электр алоқа боғламаларида бу борадаги қилинаётган ишлар кишини қониқтирмайди. Шунингдек, корхонада бугунги кунда алоқа симлари электр тармоғи линиялари билан кесишиб ўтган ёки яқин жойлашган жойларни техник меъёрга келтириш муаммоси кўндаланг бўлиб турибди. Жумладан, Қўшкўпир, Гурлан, Янгибозор электрон алоқа боғламалари ва Урганч шаҳридаги телефон станцияларида бундай хавфли кесишмалар ҳисобга олинмаган, ФА-2 шаклидаги далолатнома тузилмаган. Шу йилнинг биринчи чорагида 111 та ана шундай хавфли кесишмалар рўйхатга олиниб, шундан 24 таси бартараф қилинди. Бироқ, Хива, Қўшкўпир, Боғот электр алоқа боғламаларида ўтган йилга нисбатан хавфли кесишмалар кўпайган. Бундан ташқари алоқа линияларидаги носозликларни тузатишга чиқарилаётган монтёрларнинг асбоб-ускуналари яроқлилиги, шахсий ҳимоя воситаси борлиги муҳандислар томонидан кўпинча текширилмайди.

Хулоса қилиб айтганда, жамоада ютуқлар соясидаги бир қатор камчиликлар, муаммолар ҳам бор. Шулардан энг муҳими корхонанинг дебитор ва кредитор қарзларидир. Улар тараққиётга тўғаноқ бўлмоқда.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Маҳалланг — отанг-онанг!*

# ОСОЙИШТАЛИК – ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

***Ички ишлар ходимлари эл осойишталигини сақлашда кенг жамоатчиликка таянган ҳолда иш олиб боришмоқда. Қарши туман ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Воҳид Абдуллаев билан мусоҳабамиз ҳам осойишталик посбонлари амалга ошираётган тадбирлар хусусида бўлди.***

— Туманимизда 170 минг аҳоли истиқомат қилиб, шундан 154 мингдан ортиғи қишлоқларда яшайди. 22 та маҳалла, 13 та қишлоқ фуқаролар йиғинларида ўзини-ўзи бошқариш асосида иш олиб борилаётир. Хусусан, маҳалла посбонларининг саъй-ҳаракати билан қишлоқ аҳолисининг осойишталиги таъминланиб, жиноятларнинг олди олинмоқда. Айниқса, Қоратепа, Пахтакор қишлоғи ҳамда Собир Раҳимов маҳалла фуқаролар йиғинлари посбонлари фаоллик кўрсатаётирлар.

«Пахтакор» қишлоқ фуқаролар йиғини маҳалла посбони Турғун Ҳусанов зийрак, иродали йигит. Унга биз катта ишонч билдирганмиз. Турли ўғирликларнинг олдини олишда унинг сергаклиги, тажрибаси асқотмоқда. Масалан, Шавкат Аҳмедовнинг бир бош қўйини ўғирлаб сотишга ҳаракат қилган кимса айнан шу посбон томонидан аниқланди вач мол эгасига қайтарилди.

«Қоратепа» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Мирмирон, Кўчкак, Пистакент, Лағмон қишлоқларида ўзини-ўзи қўриқлаш постлари ташкил этилиб, халқ мулкига кўз олайтирганлар йўлига тўсиқ қўйилган. Отабек Бердиев, Жаҳонгир Умиров сингари маҳалла посбонлари ҳамиша халқ орасида бўлиб, осойишталикни таъминлаш учун бор имкониятларини ишга солмоқдалар. Жумладан, Лағмон қишлоғида яшовчи Гулсара Амирқулованинг 50 минг сўмлик мол-мулкини ўғирлаган Шуҳрат Пахриевнинг ножўя ишлари ҳам посбонлар томонидан очиб ташланди. Кўчкак қишлоғида истиқомат қилувчи Содиқ Маматовнинг ўғирланган бир бош отини топишда ҳам маҳалла посбонлари кўмаклашдилар.

«Қўриқлаш» бўлими ходимларининг олиб бораётган ишлари ҳам диққатга сазовор. Милиция подполковниги Лутфулла Файзуллаев раҳбарлик қилаётган бўлим ходимлари халқ мулкига кўз олайтираётган кимсаларни аниқлаб, кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олишмоқда. Биргина ўтган йилда нопок кимсалар томонидан 97 та ташмачилик содир этилганлиги аниқланиб, катта миқдордаги халқ бойлиги давлат хазинасига қайтарилди. Айбдорлардан туман суди орқали катта миқдорда жарима ундирилди. Жорий йилнинг ўтган ойлари давомида 55 та ташмачилик ҳолати содир этилган бўлиб, бунда ҳам посбонлар ҳамда бевосита ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли 33895 сўмлик моддий бойлик ўз жойига қайтирилди. Суд қарори билан ташмачиларга 69 минг сўмлик жарима солинди.

Агар ўтган йилда туманда содир этилган турли кўринишдаги ножўя ҳаракатларни аввалги йил билан солиштирадиган бўлсак, уларнинг сони кескин камайганини кузатишимиз мумкин.

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ЁТ АРАЛАШМАГАН ВА ЁТ АРАЛАШГАН ҚАРИНДОШЛИК

Ака-ука ва опа-сингиллар ёт аралашмаган ва ёт аралашган қариндош бўлиши мумкин. Ака-ука ва опа-сингиллар бир ота-онадан келиб чиққан бўлса, ёт аралашмаган, ота бир, она бошқа ёки аксинча, она бир, ота бошқа бўлса, ёт аралашган қариндош ҳисобланади. Ёт аралашмаган қариндошликка ака-ука ва опа-сингиллар туғишган, ёт аралашган қариндошликда эса, ака-ука ва опа-сингиллар ўгай ҳисобланади.

Эр-хотиннинг илгариги никоҳларидан бўлган болалари ўзаро қариндош ҳисобланмайди.

Ака-ука ва опа-сингиллар бир ота-онадан келиб чиққан бўлса, ёт аралашмаган, ота бир, она бошқа, ёки, аксинча — она бир, ота бошқа бўлса, ёт аралашган қариндош ҳисобланади. Бундан келиб чиқадики, ўгай ака-укалар ва ўгай опа-сингилларнинг ё отаси, ё онаси бир бўлади. Агар ака-укалар ва опа-сингиллар бир отадан дунёга келган бўлсалар, улар қони бир ҳисобланадилар, бир онадан туғилган бўлсалар — бир қориндан тушган ҳисобланадилар. Ёт аралашган қариндошлик худди ёт аралашмаган қариндошликдаги каби ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради (масалан, ўгай ака (ука) ёки ўгай опа (сингил) вафот этгандан сўнг мерос олишда ёки улардан алимент ундиришда).

Ёт аралашган ака-укалар ва опа-сингилларни ўгай ака-укалар ва опа-сингиллардан ажрата билиш лозим. Ўгайлар — бир оилада яшовчи, лекин отаси ҳам, онаси ҳам бир бўлмаган болалардир. Эр ва хотиннинг аввалги никоҳдан (ёки никоҳсиз) орттирган болалари бир-бирига ўгай ҳисобланади. Эр-хотиндан бири болалар учун ота (она) бўлса, иккинчиси ўгай она (ўгай ота) бўлади. Ўгай ака-укалар ва опа-сингиллар бир-бирлари билан қариндош эмас, балки қайин-бўйинчилик муносабатларида бўладилар.

*Оила ва қонун*

# ҚАЙИН-БЎЙИНЧИЛИК ВА ҚУДА-АНДАЧИЛИК

Эр (хотин) ва унинг яқин қариндошлари билан хотин (эр) қариндошларининг бир-бирига нисбатан муносабатлари (қайин-бўйинчилик ва қуда-андачилик) ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқармайди.

Қариндошликдан қайин-бўйинчилик ва қуда-андачиликни ажрата билиш керак. Эр (хотин) ва унинг яқин қариндошлари билан хотин (эр)нинг ўзаро муносабатлари (ўгай ўғил, ўгай қиз, ўгай ота, ўгай она, қайнона, қайнота, куёв, келин, эрнинг (хотиннинг) ака-укалари ва опа-сингиллари ва ҳоказо) ёки эр ва хотин қариндошларининг ўзаро муносабатлари (масалан, эрнинг акаси билан хотиннинг акаси ўртасидаги, эрнинг отаси билан хотиннинг отаси ўртасидаги муносабатлар) қайин-бўйинчилик ва қуда-андачилик ҳисобланади. Қайин-бўйинчилик ва қуда-андачилик кишининг насл-насабига ёки қондошликка асосланмайди, балки никоҳнинг ёндош оқибати бўлган ижтимоий боғланиш ҳисобланади. Эр-хотиннинг қариндошлари йўқ бўлса, қайин-бўйинчилик ва қуда-андачилик вужудга келмайди. Қайин-бўйинчилик ва қуда-андачилик муносабатлари оила ҳуқуқи орқали бошқарилмайди, ўгай ота (ўгай она) билан ўгай ўғил (ўгай қиз) ўртасидаги муносабатлар бундан мустасно. Бундай муносабатлар юқорида кўрсатилган шахслар ўртасидаги алимент мажбуриятларини келтириб чиқарувчи ҳолатлар қаторига киради.

Эр ва хотин қариндош ҳам эмас, қайин-бўйин ҳам эмас, қуда-анда ҳам эмас. Эр ва хотин ўзаро никоҳда бўлиб, шу асосда уларнинг ўртасида алоҳида ҳуқуқий муносабат — эр-хотинлик юзага келади.

# КОНУН БАРЧА УЧУН БАРОБАР

# БИР ЕРГА УЧ ҚАРОР

## ёки тадбиркор йўлига кимлар тўсиқ қўймоқда?

Бугун ўз қобилиятини тадбиркорликда синаб кўришга интилувчилар кўп. Сирдарё шаҳрида яшовчи Алибой Нишонов, Вера Цхай ва Мўмин Исоқовларда бу интилиш анча илгари қанот ёзди. Уч фикрдош сармоясини жамлаб кўришса анча-мунча. Улар шаҳардаги Мирзаахмедов кўчаси муюлишидаги сартарошхонани тўққиз йил аввал 100 минг сўмга сотиб олишиб, «Ал-Вер-Мўмин» жамиятига асос солишди. Сирдарё шаҳар ҳокимининг 1992 йил 14 май 15-сонли қарори, молия бўлимининг давлат ордери ҳам буни тасдиқлаб турибди. 1993 йил 3 апрелда эса шаҳар ҳокими яна бир ҳужжат - 325-сонли қарор билан сартарошхона ҳудудидаги майдонни ободонлаштириш учун тадбиркорлар ихтиёрига ўтказди.

Ишбилармонлар кўпроқ, сифатлироқ хизмат кўрсатишга бор куч ва имкониятларини сарфлашди. Ишлар силлиқ кетаётган бир пайтда гуручдан тош чиқиб қолди. 1995 йилда фуқаро А.Абдураззоқов қўлида шаҳар ҳокимининг 504-сонли қарори билан пайдо бўлди-ю, ободонлаштиришга мўлжалланган ерга эга чиқди. Тадбиркорлар ҳайрон эди. Ахир, улардан ҳеч ким ҳеч нарса сўрамади, розилигини ҳам олишмади. Орадан уч йил ўтгач, аниқроғи, 1999 йилнинг 17 декабрида сартарошхонага қарашли ерга яна янги хўжайин чиқиб қолди. Шожалил Юнусов қўлида шаҳар ҳокимининг 167-сонли қарори бор эди. У ишга шаҳдам киришиб, мўъжазгина дўкон ҳам қуриб олди.

Тадбиркорлар мурожаатидан сўнг низоли масалани атрофлича ўргандик. Гапнинг рости, шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари хатти-ҳаракати бизни ҳайратга солди. Улар қарорлар тайёрлашда масъулиятсизликка йўл қўйишган. Бинобарин, 30 квадрат метр майдонга уч марта қарор чиқарилиб, уч нафар шахс қўлига топшириб қўйилганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Мазкур масала Сирдарё вилояти фуқаролик судида кўрилиб, адолатли ҳал этилди. Ер майдони «Ал-Вер-Мўмин» жамиятига қайтарилди. Лекин баъзи муаммолар ечими ҳанузгача ечилмай турибди. Жумладан, тадбиркорликка қўл урган Шожалил Юнусов ҳуқуқини ким ҳимоя қилади? Ахир, у қарорга ишониб, ўзганинг ерига қанча сармоя сарфлаб қўйганди-ку. Эндиликда ўтдай куйиб қолаверадими? Ер сеники, дея далда бериб турганлар панада қолаверадими?

**Зокиржон ОТАБОЕВ,**
**Сирдарё вилоят адлия бошқармаси бўлими бошлиғи.**

## «КОНСТИТУЦИЯ - БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ»

Мустақиллигимизнинг қонуний пойдевори - Конституциямизни ўрганиш, мазмунмоҳиятини ёшлар ўртасида тарғиб ва ташвиқ этиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси бу соҳада бир қанча хайрли тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, мамлакатимиз пойтахти, барча вилоят ва шаҳарлардаги бир қатор олий ўқув юртлари ва муассасалар билан биргаликда ташкил этилган «Конституция - бахтимиз пойдевори» мавзуидаги расмлар ва фотосуратлар кўргазмаси муваффақиятли ўтди.

Энди эса уюшма Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси, Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлар қўмитаси, Бадиий академия билан ҳамкорликда «Конституция - бахтимиз пойдевори» шиори остида Бош қонунимизнинг мазмун-моҳиятини тасвирий воситалар орқали ёритиш ва безаш бўйича кўрик-танлов ўтказишга киришди.

Ватанимиз истиқлолининг ўн йиллигига бағишланган мазкур танловга республикамиздаги барча олий ўқув юртлари билан бир қаторда, мактабгача тарбия муассасалари, мактаб, лицей, коллеж, маҳаллалар кенг жалб этилган. Танлов доирасида уюшма томонидан Конституциямизнинг аҳамиятини плакат ва суратлар орқали тарғиб ва ташвиқ этиш мақсадида вилоятларда сайёр кўргазмалар ташкил этилаётгани эътиборга моликдир.

Танлов Конституция куни арафасида якунланади.

**(ЎзА).**

*Иқтисодиёт чорраҳаларида*

# ДАРОМАД СОЛИҒИ

## уни ундириш тартиби

***Республикамизда босқичма-босқич амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақияти муайян маънода тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалдаги ижросига боғлиқ. Ишлаб чиқариш, буюртмаларни бажариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш эса солиқ механизмининг самарали ишлашини тақозо этади.***

Солиқ тизими бюджетнинг таркибий қисми ҳисобланиб, унга солиққа тортиш билан боғлиқ ишларнинг барча кўринишлари, яъни солиқ субъекти ва объекти, ставкаси, имтиёзлар, уни тўлаш муддатлари ва бошқалар киради.

Ҳар бир давлат ўзининг иқтисодий сиёсатини юритишда солиқ тизимидан кенг фойдаланади. Солиқ ислоҳотларини амалга ошириш унинг механизми ва элементларини ўзгартириш орқали амалга оширилади. Шу боис, юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи механизмини ўрганиш ва замон талабларига мослаштириб бориш иқтисодиётни бошқаришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Маълумки, солиқ иқтисодий субъектларнинг муайян давр мобайнидаги фаолиятининг молиявий натижасидан ундирилади. Даромад (фойда) солиғининг меъёрида бўлиши мулк эгаларининг манфаатдорлигини, фаолиятини янада кенгайтиришга қизиқишини оширади.

Республикамизда юридик шахслардан ундириладиган даромад солиғи механизмини ташкил этиш ва такомиллаштиришда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим. Масалан, 2001 йилда даромад солиғининг асосий ставкаси 5 фоизга туширилиб, 26 фоиз қилиб белгиланди. Шунинг натижасида, корхоналар молиявий базасини мустаҳкамлаш, уларда қоладиган фойда миқдорини кўпайтириш, мулк эгалари манфаатдорлигини ошириш имконияти яратилди. Иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш ва ривожлантиришни мустаҳкамлашга замин ҳозирланди.

Маълумки, республикамизда бозор муносабатлари ривожлангани сари шунга мувофиқ равишда солиқ механизми ҳам ҳар томонлама такомиллашиб бормоқда. Ҳозирги пайтга келиб даромад (фойда) солиғи механизмининг нисбатан барқарор тизими шаклланиб бўлди. Лекин шу билан бирга ечимини топмаган қатор муаммолар ҳам мавжуд-ки, уларнинг ечими ҳақида изланишлар олиб борилаяпти.

Иқтисодиётни бошқаришда энг асосий омил бу солиқ имтиёзларидир. Давлат солиқ имтиёзлари орқали ишлаб чиқаришга турли даражада таъсир этади. Республикамиз солиқ қонунчилигига мувофиқ даромад (фойда) солиғи бўйича кўплаб имтиёзлар берилган. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришни кўзлаб белгиланган имтиёзлардан бири бу юридик шахсларни солиқдан вақтинча озод қилишдир.

Юридик шахсларни даромад (фойда) солиғидан вақтинча озод қилишнинг 2 хил кўриниши мавжуд: рўйхатдан ўтган вақтидан эътиборан маълум йилга қадар ва ишлаб чиқаришни бошлаган пайтдан бир неча йилгача. Солиқ кодексининг 31-моддаси 11-бандига биноан янги ташкил қилинган деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусий корхоналар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашдан, бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришдан олган даромадлари (фойдаси) бўйича рўйхатдан ўтган вақтдан эътиборан икки йил мобайнида солиқ тўламайди. Ушбу модданинг 14-бандига асосан чет эл инвестициялари иштирокида янги ташкил этилган, экспортга мўлжалланган ва импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналарда чет эл сармоясининг улуши корхона устав фондининг эллик фоизи ва ундан кўп бўлса, унинг фаолияти бошланган даврдан икки йилгача даромад (фойда) солиғидан озод этилади.

**О.АКИЛОВ,**
**Тошкент Молия институти магистранти.**

# НОПОК ЙЎЛ

## туфайли оилага дарз кетди

***Бу аёлни куни-кеча автобусда учратиб қолдим. Сочларига оқ оралабди, кўзларидаги ғамгинлик ҳамон ўша-ўша...***

Бир вақтлар уни Мирзо Улуғбек тумани судида, ўттиз ёшли ўғли билан бирга темир панжара ортида кўрганимда ҳам худди ҳозиргидай ғамгин қиёфада эди. У суд зали ўртасида кўзларини ерга тикканча икки букчайиб ўтирган эрига нафратомуз назар ташлаб айтган сўзлари ҳамон қулоғим остида жаранглайди:

— «Хўжайин! Мен — ўттиз йиллик ўқитувчи ва мана бу норғул ўғлингиз панжара ортида ўтиришимизга сизнинг аҳлоқсизлигингиз сабаб бўлди. Майли, биз тегишли жазомизни олиб кетармиз, лекин сиз бундан кейин одамлар орасида қандай бош кўтариб юрасиз?..»

... Ҳаммасига эса эри Нусратнинг (исмлар ўзгартириб берилаяпти) 50 ёшида ҳам қуйилмаганлиги, ишва қилганки аёл зоти билан ўйламай-нетмай кетавериши сабаб бўлди. Ўшанда у нуфузли бир идоранинг бўлим мудири эди. Кечки пайт ишдан кейин уйга қайтаётиб шишадош улфатларидан бирини учратиб қолди. Метронинг охирги бекатларидан бирида қатор дўкончалар саф тортиб турарди.

— Қиттак-қиттак қилмаймизми? — таклиф киритди шериги. Нусрат айнан шу сўзни кутиб турган эди, дарҳол рози бўлди. Ичимликлар дўкончасида савдо қилаётган, ёши ўтиб қолган аёл икки улфатга стаканчалардаги ароқни очиб бераркан, истиғно ила гап ташлади:

— Шундай кўркам, келишган йигитлар уйларига бормай, кўчаларда юришса..., келинойиларимиз кутиб қолмасмиканлар...

— Келинойиларингиз бизга хўжайин эмас, — хўроз каби томоғини чўзиб жавоб қилди Нусрат, — қолаверса хотинидан қўрққан эркак кўчага чиқиб нима қилади?

Сўзга-сўз, гапга гап уланиб кетди. Кейинги «стаканча»ларга навбат келгач, аёлнинг ўзи ҳам қўшилиб, бирга ича бошлади.

— Яна бирон-бир дугонангиз бўлганида суҳбатимизни улфати чор тарзида давом эттирардик, — шаъма қилди Нусратнинг шериги.

— Яхши одамлар учун ҳаракат қиламизда, — дея бир четдаги телефоннинг гўшагини кўтарди.

— Элвира, уйдамисан? Ярим соатлардан сўнг ёнингга етиб борамиз. Ҳамма нарсани ўзимиз билан бирга олиб борамиз.

Кейин воқеалар қай йўсинда ривожланганлигини қимматли ўқувчиларимиз ўзлари тасаввур қилиб олишлари мумкин...

Эртасига эрталаб Нусрат уйига янги «Жигули»да кириб келди.

— «Бир дўстимники, — деди хотини ва ўғлига у, — ўзи чет элга ишга кетган эди, миниб юришим учун ташлаб кетди...»

Аслида машина Нусратнинг янги маъшуқасиники бўлиб, маккора аёл уни тузоққа илинтириш мақсадида «совға» қилганди.

Кунлар кетидан кунлар ўтди. Нусрат энди ҳафтасига уч-тўрт кунлаб уйига келмайдиган одат чиқариб олди. Хотини ишлайдиган мактабда, кейинроқ эса ўғли ишлайдиган устахонада гап тарқалиб кетди: «оила бошлиғи Нусрат ака, қадами бежо фалончи аёлни ўзига иккинчи хотин қилиб олибди».

Ўқитувчи аёлнинг ҳам, ўғлининг ҳам фиғонлари кўкка чиқди. «Бу қанақаси! Одамларнинг кўзига энди биз қандай қараймиз?» Уч ой шу алпозда ўтди. Дадалари ҳар куни уйга машинада ширакайф келар, бир-икки соат мизғиган бўларди-да, тун ярмида яна машинани юргизиб чиқиб кетарди...

Уч ой ўтгач, кунлардан бирида ўғил тонг отарда онасини уйғотди.

— Ойи, туринг, бир ерга борамиз. Мен кеча дадам ўша бузуқи аёл билан яшаётган уйнинг адресини топиб келганман...

Она хўп деди. Икковлон такси ушлаб, шаҳарнинг шимоли-шарқ қисмидаги хонадондарга бирига етиб бордилар. Ўғил қарсиллатиб эшикни тепди. Очилмади... Шунда йигит қўлидаги болтани ишга солди. Кетма-кет берилган зарбадан сўнг эшик синди. Бу вақт Нусрат ва унинг маъшуқаси иккинчи эшикдан икки томонга қараб қочиб қолган эдилар. Ғазаб отига минган она-бола қўлларидаги болтаю-болға билан уй ичидаги бор қиматбаҳо буюмларни уриб, мажағини чиқазиб ташлашди. Ҳамма нарса тилка-пора бўлгач, ўғил ҳовлида турган «Жигули»ни болғалашга тушди...

*Сабоқ*

Мана шунақа гаплар. Юқорида таъкидлаганимиздек, судда аёл эрининг юзига нафрат билан боқиб, ҳалиги гапни айтди: «...Панжара ортида ўтиришимизга сизнинг аҳлоқсизлигингиз сабаб бўлди...»

Инсон иззат-обрўини мисқоллаб топади. Аммо уни тўкиш-бир сониялик иш. Мирзо Улуғбек туман суди мазкур ишни кўрар экан, ўзганинг мулкига қасддан катта миқдорда зарар етказган она-болани қонун кўрсатмалари асосида жазолади. А. Нусрат борасида эса хусусий ажрим чиқариб, у ишлаётган идора раҳбариятига юборди...

**Қодиржон СОБИРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# TV дастури

## 11 - 17 июн

## ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

## ДУШАНБА, 11

### «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45, 17.55 ТВ-маркет.
8.50 «Муҳаббат соғинчи». Мусиқий дастур.
**9.25, 11.20 ТВ-метео.**
9.30 «Мақтанчоқ филча». Мультфильм.
9.35 «Санъат олами».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
**БОЛАЛАРНИНГ ЁЗГИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА:**
10.05 «Ошиқ бўёқчи ҳақида эртак». Бадиий фильм.
11.25 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
11.50 ТВ-анонс.
12.05 «Шохрух клуби».
12.35 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.00 Эстрада тароналари.
13.25 «Олам». Телеальманах.
14.10 ТВ -1 намойиш этади.
14.25 «Қишлоқ ҳаёти».
14.40 «Зиё « студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
15.10 **Кундузги сеанс:** : «Кўпик». Бадиий фильм.
16.30 ТВ-анонс.
16.35 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
17.05 **Экранда - телесериал.** «Қалбим чечаги». 6-қисм.
18.10 «Ўзбекистон фуқароси».
18.25 ТВ-клип.
18.35 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
**19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.35 ЭЪЛОНЛАР**
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Биржа ва банк хабарлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қалбингиз қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
21.40 «Толеи ёруғ одамлар».
21.50 Теннис бўйича «Тошкент Оупен» халқаро турнирининг тантанали очилиши. «Динамо» теннис мажмуидан олиб кўрсатилади (Ёзиб олинган).

22.20 «Маънавият» дастури.
23.10 Теннис бўйича «Тошкент Оупен» халқаро турнирининг кундалиги.
23.20 «Ахборот».
23.55-24.00 Ватан тимсоллари.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

**«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!**
**ПРОФИЛАКТИКА МУНОСАБАТИ БИЛАН ДУШАНБА, 11 ИЮН КУНИ «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ ЎЗ КЎРСАТУВЛАРИНИ СОАТ 17.00 ДА БОШЛАЙДИ.**

17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» почтаси.
17.25 Спорт ҳафтаномаси.
17.40 «Эрта сўнган юлдузлар».
18.00 Олтин мерос.
18.05 Ёшлар овози.
18.25 Ўзбегим кураши.
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 Теннис бўйича Sanex WTA «Tashkent Open» аёллар халқаро турнири.
21.00 Мусиқий лаҳзалар.
21.05, 21.45, 22.30 Эълонлар.
21.10 «Лафз». Телевизион бадиий фильм 1-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.15-1.20 «Хайрли тун!»

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.10 «Мусиқий меҳмонхона».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Эҳтиром ила».
19.10, 20.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.25 «t' 36, 6». Мусиқий дам олиш дастури.
20.20 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.25, 22.10 «Ўзбегим навоси».
21.55 «Авто-news».
22.40 ТТВда сериал: «Селеста».
23.25 Оҳанглар ва эълонлар.
23.40-23.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

### «ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.20 «Морена Клара». Сериал.
17.10 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.15 «Болалар куйлаганда».
РЖТ
17.20 М. Евдокимов ҳузурида меҳмонда.
17.55 «Париж антиквари». Сериал. 1-2-сериялар.
20.00 «Время».
ЎзТВ – IV
20.30 «Бизнес-ревю».
20.40 «Бебилиска пул». Сериал.
21.30 «ТВ-4 да Немис тўлқини».
21.50 «Клип-антракт».
22.05 Кинематограф. «Карахтлик». Бадиий фильм.
23.50 **«Ахборот» (рус тилида)**
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## СЕШАНБА, 12

### «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 Жаҳон киноси юлдузлари.
9.10 «Янграсин шўх яллалар». Мусиқий дастур.
9.35, 12.25 ТВ-метео.
9.40 «Озод юрт одамлари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
**БОЛАЛАРНИНГ ЁЗГИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА:**
10.05 «Миттивойлар оиласи». Кинокўрсатув.
10.30 «Бувам, Килиан ва мен». Бадиий фильм.
11.50, 13.50 ТВ-анонс.
12.05 ТВ-клуб.
12.30 «Маънавият» дастури.
13.20 «Олам қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
14.10 «Яккама-якка жанг». Таэквондо.
14.35, 16.45 ТВ-клип.
14.45 «Қувноқ шаҳарча». Телевизион ўйин.
**15.15 Кундузги сеанс:** «Табор кўкка интилади». Бадиий фильм.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 Болалар учун. «Кичкинтоймиз-гижингтоймиз».
18.30 «Орзулар довони».
18.40 «Солиқ ва назорат».
18.55 «Олтин мерос».
19.10 «Мулк».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Долзарб мавзу».
21.25 **2001 йил - Оналар ва болалар йили.** «Онажон номинг дилимда». Мусиқий дастур.
22.05 Теннис бўйича «Тошкент Оупен» халқаро турнири кундалиги.
22.15 «Ифтихор».
22.40 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 1-қисм.
23.05 «Ахборот».
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.20 «Янги авлод» почтаси.
9.35 Мультфильм.
9.45 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал 19-қисм.
10.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
10.40 Ёшлар овози.
11.00 «Даллас». Телесериал.
11.45 Синфдош.
12.15 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
13.50 «Лафз». Телевизион бадиий фильм 1-қисм.
14.25 «Янги авлод» студияси: Болалар учун концерт.
14.40 Теннис бўйича Sanex WTA «Tashkent Open» аёллар халқаро турнири.
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 Сийрат.
19.55, 20.55, 22.30 Эълонлар.
20.00 Спорт – лото.
20.10 «Очил дастурхон».
20.25 Ёшлик наволари.
20.35 Моҳият.
21.00 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Каталог.
22.40 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.50 «Даллас». Телесериал.
23.35 «Давр». Ахборот дастури.
23.50 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.25-1.30 «Хайрли тун».

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.10 «Дурдона».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Эҳтиром ила».
19.10, 20.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.25 «t' 36, 6». Мусиқий дам олиш дастури.
20.20 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.25, 22.30 «Ўзбегим навоси».
21.55 «Дорихона эшитади».
23.00 ТТВда сериал: «Селеста».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
00.00-00.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

### «ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ
6.30 – 8.00
15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
РЖТ
17.25 «Кусто командасининг барча сайёҳатлари». Сериал.
17.55 «Инсон ва қонун».
18.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время»
ЎзТВ – IV
20.50 «Бизнес-ревю».
20.55 «Бебилиска пул». Сериал.
21.45 «СНН-шоу».
22.00 Кинематограф. «Яхши ва ёмон». Бадиий фильм.
23.15 «Ахборот» (рус тилида)
23.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## ПАЙШАНБА, 14

### «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 , 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши. «Тошлар тилга кирганда».
9.05, 12.25 ТВ метео.
9.10 «Шарқ тароналари». III халқаро мусиқа фестивали олдидан.
9.35 «Қимматбаҳо совға». Мультфильм.
9.45 «Аёл дунёни тебратар». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Талаб ва таклиф».
**БОЛАЛАРНИНГ ЁЗГИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА:**
10.20 «Финист-сарлочин». Бадиий фильм.
11.35 «Кичкинтоймиз-гижингтоймиз».
11.55 ТВ-клип
12.05 «Ёшликми ёки бебошлик?»
12.30 «Аччиқни аччиқ кесар». Ҳажвий новелла.
12.55 «Севги сурури». Мусиқий дастур.
13.20 «Олам». Телеальманах.
13.55, 14.30 ТВ-анонс
14.10 «Шу Ватанга бордир менинг керагим».
14.40 «Билимдон мунажжим». Эртак-спектакл.
15.30 «Табаррук қадамжолар».
15.50 **Кундузги сеанс:** «Мимино». Бадиий фильм.
17.15 «Рақслар гулдастаси».
17.30 «Харита». Халқаро шарҳ.
17.45 «Шеър ва шуур».
18.10 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.35 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қўшиқ-ла ҳаёт гўзал». Мусиқий дастур.
21.40 Теннис бўйича «Тошкент Оупен» халқаро турнири кундалиги.
21.50 «Ривож».
22.00 «Саҳна ҳаёти».
22.30 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 2-қисм.
23.00 «Ахборот».
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
9.35 Сийрат.
9.55 Мусиқий лаҳзалар.
10.05 Спорт-қитъаси.
10.35 Сенинг вақтинг.
10.55 «Даллас». Телесериал.
11.40 «Янги авлод» студияси: «Олтин калит».
12.00 Моҳият.
12.20 Синфдош.
12.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
14.15 «Озод юртнинг умид юлдузлари» («Ўзбектелефильм»)
14.45 Теннис бўйича Sanex WTA «Tashkent Open» аёллар халқаро турнири.
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 Мутойиба.
20.00 Ёшлик қўшиқлари.
20.10 Бегойим.
20.30, 21.10, 22.30 Эълонлар.
20.35 «Лафз». Телевизион бадиий фильм 3-қисм.
21.15 Мусиқий лаҳзалар.
21.20 Ёшлар овози.
21.40 «Аёл қалби наволари». Замира Суюнова.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.15-1.20 «Хайрли тун».

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.10 «Эътиқод».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Эҳтиром ила».
19.10, 20.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.25 «t' 36, 6». Мусиқий дам олиш дастури.
20.20 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.25, 22.10 «Ўзбегим навоси».
21.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига «Тараққиёт йўлида».
22.40 ТТВда сериал: «Селеста».
23.25 «Интерспорт».
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55-00.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

### «ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ
6.30-8.00
15.00-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
РЖТ
17.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
17.45 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.55 А. Гордон ва В. Соловьёв «Судлов жараёни» дастурида.
18.40 Джаз. Бутун жаҳон тарихи.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время»
ЎзТВ – IV
20.50 «Бизнес-ревю».
20.55 «Бебилиска пул». Сериал.
21.45 «Кино сайёраси».
22.05 «Клип-антракт».
22.15 Кинематограф. «Астерикс ва Обелиск Цезарга қарши». Бадиий фильм.
23.45 «Ахборот» (рус тилида)
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## ЖУМА, 15

### «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Мангуликка дахлдор».
9.20, 12.30 ТВ-метео.
9.25 «Ўзбекистон - Ватаним маним». Концерт.
9.40 «Ғанифаций таътилда». Мультфильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Инсон ва замин».
**БОЛАЛАРНИНГ ЁЗГИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА:**
10.20 **Кундузги сеанс**: «Отни ким эгарлайди». Бадиий фильм.
11.30 «Кўзмунчоқ».
11.50, 15.00 ТВ-анонс.
12.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига. «Ўзлигинг намоён қил». Экранда - Самарқанд.
12.35 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал.
13.00 «Тошкент баҳори - 2001» I халқаро мусиқа фестивали.
13.20 «Саҳна ҳаёти».
13.50 , 16.35 ТВ клип.
14.10 «Цирк, цирк, цирк».
14.35 Лирик тароналар.
15.10 «Сиёсат ва одамлар».
15.25 **Кундузги сеанс.** «Соҳибжамол Ойсулув ҳақида ривоят «Бадиий фильм.
16.40 «Битик».
17.00 «Нурли манзиллар».
17.15 **Экранда - телесериал.** «Қалбим чечаги». 8-қисм.
18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.30 «Сиҳат-саломатлик».
18.50 «Ёшлар куйлаганда».
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Ҳамоҳанг наволар».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Оталар чойхонаси».
22.05 «Толеи ёруғ одамлар».
22.15 Теннис бўйича «Тошкент Оупен» халқаро турнири кундалиги.
22.25 «ТВ клуб».
22.45 «Олам». Телеальманах.
23.20 «Ахборот».
23.55-24.00 Ватан тимсоллари.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Олтин калит».
9.35 «Мульттомоша».
9.50 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал 21-қисм.
10.15 Мусиқий лаҳзалар.
10.25 Бегойим.
10.45 Мутойиба.
11.10 «Даллас». Телесериал.
11.55 Ёшлар овози.
12.15 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
13.45 «Лафз». Телевизион бадиий фильм 3-қисм.
14.20 Ёшлар куйлайди.
14.30 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал 91-қисм.
15.20 «Янги авлод» студияси: «Имтиҳон».
15.30 Фарғона наволари.
15.40 Теннис бўйича Sanex WTA «Tashkent Open» аёллар халқаро турнири.
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 Мусиқий лаҳзалар.
19.40 Теннис бўйича Sanex WTA «Tashkent Open» аёллар халқаро турнири.
20.50, 21.30, 22.30 Эълонлар.
20.55 «Лафз». Телевизион бадиий фильм 4-қисм.
21.35 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига «Озод юрт фарзандлари».
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 Кинотақдим.
23.00 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
0.00 «Давр». Ахборот дастури.
0.15-0.25 «Мунаввар тонг истаб».

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.10 «Ҳуқуқимиз кафолати».
18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Эҳтиром ила».
19.10, 20.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.25 «t' 36, 6». Мусиқий дам олиш дастури.
20.20 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.25, 22.20 «Ўзбегим навоси».
21.55 «Ёшлар худуди».
22.50 «Ўз касбининг фидойилари».
23.05 ТТВда сериал: «Селеста».
23.50 Оҳанглар ва эълонлар.
00.05-00.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

### «ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ
6.30-8.00
15.00.-15.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Клара». Сериал.
17.15 М. Евдокимов ҳузурида меҳмонда.
17.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
РЖТ
18.00 «Қутқарувчилар. Тезкор ёрдам».
18.30 «Ажойиб воқеалар».
18.40 «Мўъжизалар майдони».
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время»
ЎзТВ – IV
20.55 «Бизнес-ревю».
21.05 «Соккер-клуб».
21.25 «Клип-антракт».
21.35 Кинематограф. «Соя». Бадиий фильм.
23.25 «Ахборот» (рус тилида)
23.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## ШАНБА, 16

### «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.15, 11.00 ТВ-метео.
9.20 «Ҳидоят сари».
9.40 Телевизион миниатюралар театри.
«Тирик сайёра» кинодастури :
10.15 «Ноилож сайёдлар-8». Ҳужжатли фильм.
11.05 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
11.35 **Сиз ёқтирган фильмлар:** «Москва кўз ёшларга ишонмайди». Бадиий фильм. 1-қисм.
12.35 «Талабалик йилларим».
12.55 «Яхши кайфият». Мусиқий дастур.
13.15 «Москва кўз ёшларга ишонмайди». Бадиий фильм. 2-қисм.
14.30 «Дўстлик» видеоканали. 1.»Меҳрангез». 2. «Жетиген.
14.50 «Бизга аталган кун». Бадиий кўрсатув.
15.15 «Алиса». Мультфильм.
16.30 «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра». Мусиқий дастур.
17.10 «Мўъжизалар майдончаси». Телеўйин.
18.10 «Спорт шанбадан шанбагача».
18.30 «Ранглар жилоси».
18.45 «Истеъдод». Мусиқий дастур.
19.10 «Қишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мусиқор». Мусиқий дастур.
21.35 Теннис бўйича «Тошкент Оупен» халқаро турнири кундалиги.
21.45 «Қизлар давраси».
23.15 Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги. «Пахтакор»-»Насаф».
24.00 «Ахборот».
00.35-00.40 Ватан тимсоллари.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Имтиҳон».
9.10 Ёзги таътил экрани. «Рикки-Тикки-Тави».
10.25 Мусиқий лаҳзалар.
10.35 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
11.35 Вилоят ёш хонандалари куйлайди.
11.55 «Рамаяна». Телесериал.
12.30 Ҳуқуқ ва бурч.
12.55 «Лафз». Телевизион бадиий фильм 4-қисм.
13.30 Очун.
13.55 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».
14.15 «Бола тилидан».
14.45 «Мени тушун...» Телеўйин.
15.10 XXI аср авлоди.
15.15 Ёшлар овози.
15.35 Ватан ҳақида қўшиқлар.
15.45 Теннис бўйича Sanex WTA «Tashkent Open» аёллар халқаро турнири.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 Каталог.
19.45 Ёшлик наволари.
20.00 Ҳайрат.
20.20, 21.00, 23.15 Эълонлар.
20.25 «Рамаяна». Телесериал.
21.05 Кутилмаган меҳмон.
21.25 Мусиқий лаҳзалар.
21.30 Футбол плюс....

21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Олимпиада умидлари-2001». Республика спорт мусобақаларининг ёпилиши маросимидан ёзиб олинган репортаж ва мусиқий дастур.
23.30 Шанба экрани. «Надомат белгилари». Бадиий фильм.
0.00-0.05 «Хайрли тун!»

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
18.10 «Суҳбатдош».
18.25 «Авто-news».
18.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.00 «Эҳтиром ила».
19.20 «t' 36, 6». Мусиқий дам олиш дастури.
20.00, 21.00, 21.30 «Экспресс» телегазетаси.
20.15 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.15 «Мисли гавҳар».
21.45, 22.30 «Ўзбегим навоси».
22.15 «Меҳри дарё Онагинам».
23.00 Кинонигоҳ. «Бирни кўриб шукур қил».
00.45 Оҳанглар ва эълонлар.
1.00-1.05 Хайрли тун, шаҳрим!

### «ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Клип-антракт».
РЖТ
9.10 «Смак».
9.30 Е. Петросяннинг Кулги панорамаси.
10.05 Кундузги сеанс: «Қўли гул аёл». Бадиий фильм.
12.20 «Инглиз тили Сиз учун». Болалар учун кўрсатув.
12.45 « 7 дан 70 гача».
13.15 «CFI янгиликлари».
13.25 «Экран зийнати ва қиймати».
13.40-14.30 **Дўстлик видеоканали: «Умид», «Сахий хонадонда», «Машриқ оҳанглари».**
ЎзТВ – IV
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Бинафша».
17.20 Кинематограф. Жан Рено «Ғаройиб меҳмонлар» фильмида.
РЖТ
20.00 «Время».
20.25 «Нима? Қаерда? Қачон?» Телеўйин.
ЎзТВ – IV
21.50 «Бизнес-ревю».
21.55 CFI тақдим этади: «Мишель Сарду» иштирокидаги концерт дастури. II - қисм.
22.25 «Мюзик-холл».
22.50 Кинематограф. «Сабрина». Бадиий фильм.
**00.45** «Ахборот» (рус тилида)
**1.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»**

## ЯКШАНБА, 17

### «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.05 «Кўҳна замин оҳанглари».
9.25, 11.00 ТВ-метео.
9.30 «Ғаройибот».
9.45 «Оҳу». Мультфильм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан!»
11.05 «Шохрух клуби».
**11.35 2001 йил - Оналар ва болалар йили.** «Бола бошидан».
11.55 ТВ клип.
12.05 «Қизиқарли учрашувлар».
12.25 «Бир наво истар кўнгил». Мусиқий дастур.
12.45 Киноанонс.
12.50 Экранда кинокомедия: «Насриддин Бухородада».
14.10 «Бўстон». Тележурнал.
14.30 «Мўъжизалар майдончаси». Телевизион ўйин.
15.30 «Муҳофаза».
15.40 Кундузги сеанс: «Одам-амфибия». Бадиий фильм.
17.15 Киноанонс.
17.25 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.



17.55 ТВ клип.
18.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.25 «Яккама-якка жанг». Таэквондо.
18.45 «Оҳангларга ошуфта кўнгил». Мусиқий дастур.
19.05 «Тўртинчи ҳокимият».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саёҳат».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга». Бадиий-мусиқий дам олиш дастури.
21.50 Теннис бўйича «Тошкент Оупен» халқаро турнирининг финал учрашуви ва тантанали ёпилиши.
22.50 «Футбол олами».
23.10 ТВ-1 намойиш этади. «Якшанба кинозали» :
23.25 Кино янгиликлари.
23.40 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Қандай ажиб бу дунё». Бадиий фильм.
1.20-1.25 Ватан тимсоллари.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».
9.15 «Мульттомоша».
9.30 «Футбол плюс».
9.50 Мусиқий лаҳзалар.
10.00 Ёшлар овози.
10.20 Болалар экрани. «Товус малика».
11.45 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. «Марду майдон», 2. «Аскар мактублари».
12.25 «Рамаяна». Телесериал.
13.00 «Очил дастурхон».
13.15 Жаҳон жуғрофияси.
14.05 Спорт ҳафтаномаси.
14.20 «Келинлар қўзғолони». Бадиий фильм.
15.30 Муҳаббат қўшиқлари.
15.40 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
16.30 «Мульттомоша».
16.45 Якшанбада кўришгунча.
17.00 Теннис бўйича Sanex WTA «Tashkent Open» аёллар халқаро турнири.
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр»-news.
19.20 «Учрашув».
19.45 Ёшлар куйлайди.
19.55, 20.35, 22.25 Эълонлар.
20.00 «Рамаяна». Телесериал.
20.40 «Синфдош».
21.00 Юлдуз Усмонова Голландияда. Мусиқий дастур.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта ичида.
22.40 Тунги тароналар.
22.50 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Ортиқча юк». Бадиий фильм.
0.30-0.35 «Хайрли тун».

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
18.10 Мультфильм.
18.30 Болалар учун. «Куралай».
18.50 «Эҳтиром ила».
19.10 «t' 36, 6». Мусиқий дам олиш дастури.
19.50, 20.50, 21.35 «Экспресс» телегазетаси.
20.05 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.05, 22, 10 «Ўзбегим навоси».
21.50 «Спорт-тайм».
22.40 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Сериал.
23.30 Оҳанглар ва эълонлар.
23.45-23.50 Хайрли тун, шаҳрим!

### «ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Клип-антракт».
РЖТ
9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
9.30 «Ҳамма уйдалигида».
10.10 «Қайфият» дам олиш дастури.
11.10 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11.20 Кундузги сеанс: «Жуманжи». Бадиий фильм.
12.55 «Парле ву франсэ?»
13.20 «Фан-тайм».
13.30 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
15.10 **«Дўстлик» видеоканали: «Маврид», «Дидар».**
15.50-16.20 Немис тили».
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Интернет худуди».
17.20 «Саёҳатлар олами».
РЖТ
17.35 Леонид Ярмольник «Чорраҳа» комедиясида.
ЎзТВ – 4
19.40 «До-ми-соль». Болалар учун шоу дастури.
20.20 «Бизнес-ревю».
20.30 «Тенгдошлар». концерт дастури.
21.25 Кинематограф. «Ҳаёт сабоғи». Бадиий фильм.
22.50 «Таҳлилнома» (рус тилида).
23.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

# КЎРИК САБОҚЛАРИ

## «Европа киноси кунлари» якунига доир

***Алишер Навоий номидаги Санъат саройида ўн кун давомида Европа мамлакатларининг янги бадиий кинофилмлари кўрсатилгани ижтимоий-ижодий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди. Бадиий тили анча мураккаб бўлган экран асарлари кўригини айнан Тошкентда ўтказишга қарор қилингани — бинобарин ўзбек томошабинининг ўткир заковатига ишонгани, кино маданиятимизни тан олгани, ранг-баранг тасмалар таржима ёрдамидагина эмас, «оригинал тилда» намойиш этилгани айниқса ёшлар учун фойдали ва қизиқарли бўлди.***

Ҳар гал филм тугагач, ёшлар зални тарк этмай, савол-жавобга, баҳсга тараддуд кўрдилар. Ижодкорлар билан суҳбат қуриш дамлари, матбуот конференцияси, даврага меҳмону мезбонлар таклиф этилиб, гурунг, баҳслар ташкил этилгани айни муддао бўлди. Бу ўринда Санъат саройи йирик кинематографик мамлакатларнинг вакиллари ҳамда филмлари билан бўладиган учрашув, мулоқотларга пухта тайёргарлик кўрганини, янги кино асарларини имкон қадар кўпроқ томошабинга етказишга ҳаракат қилганини таъкидламоқ лозим.

Шундай экан, Тошкент кинокўриги бизга нима берди, қандай мулоҳазалар уйғотди?

Якуний фикр-мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашишдан олдин томоша залида бўлиб ўтган суҳбатлардан бир-икки лавҳа келтирайлик.

**Хотам ФАЙЗИЕВ — оператор, кинорежиссёр:**

— Бундай кўриклар, баҳслар бизни — кино ходимларини ҳар жиҳатдан бойитади, жаҳон кинематографиясида содир бўлаётган воқеалардан воқиф этади. Шу билан бирга, бундай филмларни ўзимизнинг асарлар билан қиёс қилиб, таққослаб ҳам кўриш имконияти пайдо бўлади. Мақсад — қай даражага кўтарилганимизни ёки, аксинча, тараққиёт суст кетаётганини аниқлаймиз. Кино асарларининг қиёсий таърифи эса пировардида янги режаларни, марраларни белгилашга кўмаклашади. Шу боис мен Италия, Франция, Чехия, Польша, Германия ва Швейцария каби мамлакатларда яратилган янги асарлар кўриги ташкил этилганидан хурсандман.

**Феруза АЮПОВА — Ўзбекистон Бадиий Академияси санъатшунослик институтининг илмий ходими:**

— Кўрик кунлари кино буюк санъат эканлигига яна бир бор ишондим. У ҳақда ёзгим келди. Бир ярим соат давомида кўз ўнгимизда биздан узоқ мамлакатнинг ўзига хос урф-одатлари, қаҳрамонлари, ўтмиши ва бугунги куни намоён бўлди! Тўғри, бу асарларнинг айримлари томошабиндан алоҳида тайёргарликни, нозик дидни талаб этади. Зеро, уларнинг бадиий тили анча мураккаб бўлиб, ҳар бир кадрнинг мазмунини англаш учун маъжозий ифодалар, рамзий образларга тушуниб етиш зарур. Масалан, немис Файт Хелмер раҳбарлигида суратга олинган «Тувалу» филмида қизил империя истибдодидан қутилиш, янгиланиш жараёни чуқур маънога эга бўлган тасвирий воситалар, сермазмун истиораларда намоён бўла боради. Эски бинони бузиш, лекин унда зўр-базўр ишлаб турган механизмга зарар етказмай ишлаб туришини таъминлаш — шу каби йирик ижтимоий масалалар ҳам ўзининг бадиий ечимини топади...

Кинолавҳалар

Кўриниб турибдики, малакали томошабин учун ечимдан, филмдан-филмга кўчиб юрадиган қолиплардан, сийқаси чиққан услублардан юз ўгирган, янги бадиий кашфиётларни излаётган дамда Европанинг етук экран асарлари уларнинг эстетик эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилиши мумкин. «Мари» (Белгия) «Сендан ўтадигани йўқ» (Италия), «Телбанинг қайтиши» (Чехия), «Осмону-фалак дарвозасини излаб» (Германия) каби филмларни катта қизиқиш билан кўрдик, мазкур тасмаларнинг яратилишида иштирок этганлар билан мулоқотда бўлиб, ҳозирги кино жараёнига хос бўлган бадиий оқимлар ҳақида баҳс-мунозарага киришдик.

**Ҳамидулла АКБАРОВ.**

*(Давоми бор.)*

# ХОТИРА ТУРНИРИ

*Касаба уюшма тадбирлари*

***Бувайда туманида эзгу ишлари билан эл-юрт қалбида ўчмас из қолдирган инсонлар кўплаб топилади.***

Абдуқодир Алиқулов, Исмоилжон Назаров, Жумабой Акбаров ва Жўрақўзи Алибоев... Ҳаётлик чоғларида бу инсонлар туман қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, одамлар турмуш шароитларини яхшилаш борасида кўплаб ибратли ишларни амалга оширганлар. Яқинда туман АСМ ходимлари касаба уюшма қўмитаси ва спорт жамияти бўлими улар хотирасига бағишлаб спортнинг волейбол тури бўйича очиқ турнирини ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Туман ҳокимлиги ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлади. Ҳомий ташкилотлар ҳам топилди.

Турнирнинг очилиш чоғида Олий Мажлис депутати, туман ҳокими Бахтиёржон Тўрақулов марҳумлар томонидан яратилган эзгулик боғи одамларга хизмат қилаётганини таъкидлади. Сўнгра шу ерда ҳозир бўлган, уруш ва меҳнат фахрийларига ош тортилиб, марҳумлар хотирасига қуръон тиловат қилинди.

Хотира турнири очиқ деб эълон қилингач атроф туманлар, Қўқон шаҳри ва тумандаги барча хўжаликлардан 16 та жамоа ўзаро куч синашишди. Қизғин курашлар остида ўтган уч кунлик мусобақа давомида энг кучлилар аниқланди.

Биринчи ўрин ва бош соврин Қўқоннинг «Етти сайёра» командасига насиб этди.

Иккинчи ва учинчи ўринлар эса тумандаги «Оққўрғон» ва «Бувайда» ширкат уюшмалари спортчиларига берилди.

Марҳумларнинг оила аъзолари ҳозирлаб қўйган совринлар энг ёш ўйинчига, энг яхши ўйинчи ва энг яхши командага топширилди.

**Абдувоҳид ҚОДИРОВ, Бувайда туман АСМ ходимлари касаба уюшма қўмитаси ходими.**

*Ўқинг, қизиқ!*

***Литвада турли-туман, баъзан ғайритабиий танловлар ўтказиб туриш одат тусига кирган. Шундай ғаройиб танловлардан бири яқинда Каунас шаҳрида бўлди.***

## ОШХЎР АНДРЮС

Ташкилотчилар мазкур танловни «Ўзбек паловини ейиш бўйича республика танлови» деб номлашди.

Танлов шартига кўра, энг қисқа муддатда ким кўпроқ ош тановул қилса, ўша ғолиб деб топилиши керак эди. «Чемпионат» шаҳарнинг энг дабдабали ресторанларидан бири «Сандия»да ўтказилди. Ўзбекистонлик моҳир ошпаз Абилжон Узоқов катта дошқозонда ош дамлади. Мусобақада олти нафар бўзбола йигитлар финалга чиқишди. Буни қарангки, улардан тўрт нафари талабалар бўлиб чиқишди.

Хуллас, ошхўрликда Каунас ветеринария академиясининг тўртинчи курс талабаси Андрюс Мордайтисга ҳеч ким бас кела олмади. 3 дақиқа 48 сонияда у бир ярим килограмм ошни паққос туширди. Андрюс танлов ғолиби сифатида «мечкай-чемпион» дипломига сазовор бўлди.

Шунингдек, у бир ҳафта мобайнида «Сандия» ресторанида текин ош ейишдек имтиёзга эга бўлди.

**«Туркистон-пресс».**

*Мерос ва қадрият*

# КАРВОН КЕЛАР ҚЎНҒИРОҒИ ЖИРИНГЛАБ...

Ёзнинг жазирама кунлари. Қуёш аямай қиздиради. Тонг билан йўлга чиққан карвон тушга бориб қўним истаб қолади. Чўлнинг кўз очирмас қум бўронлари орасида олисдан бир манзил оқариб кўринади.

— Хайрият, - тин олади карвонбоши. - Ниҳоят, етиб келдик. Роса тинкамиз қуриди.

— Туялар чўктирилсин! - Сардорнинг жарангдор овози кенг дашт бўйлаб таралади.

...Қаршидан олис Балхга йўл олган карвон нафас ростлаш учун Қамаши сардобаси олдида тўхтади. Оллоҳга минг бора шукрона айта-айта мешкопчилар мешларини тоза ва тиниқ сувга тўлдирдилар. Чўл ўртасидаги ёпиқ кўлдан чиқаётган об-ҳаво салқини танга ором бағишлади.

Қадим Шарқда даштлар, чўллар ва саҳролар бағридаги қудуқлар, қоқлар ва сардобалар мамлакат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бу иншоотлар азалдан чорвадорлар, ҳукмдорларнинг хат ташувчи чопарларига, савдо карвонлари ва турли йўловчилар учун ҳаёт манбаи саналган. Ёз жазирамасида одамлар тоза, салқин ва чанқоқбосди об-ҳаётдан баҳраманд бўлишган. Қудуқлар, қоқлар ва сардобаларни қўриқлаш, асраш, кўпайтириш борасида фармони олийлар чиқарилган. Улар ҳарбий манзиллар рўйхатига киритилиб, назорат қилинган.

Широқ ва Тўмарис ҳақидаги афсоналар, кўҳна Хитой ва форс тарихчиларининг эсдаликлари, дунёга машҳур Геродот, Аррион, Ктесофан ҳикоялари, «Илиада» ва «Одиссея» достонлари, араб тарихчилари Ибн Ҳавқал, Ибн Халдун, Ибн ал-Асир, Ибн Дўқмоқ, Ибн Батута, Ибн Арабшоҳ эсдаликлари, Али Яздий ва Ҳафиз Таниш Бухорий боболаримизнинг «Зафарнома», «Абдулланома» китоблари, Фосиҳ Аҳмад Ҳавофийнинг «Шарофномаи Шоҳий» асарларидан сардобалар ҳақида бой маълумотларни олиш мумкин.

Бундай сув иншоотлари қадим Хуросон у Туркистон қадар — Хоразм, Тошкент, Самарқанд, Бухоро оралиғидаги йўллар четида қад кўтарган. Аксарияти Туркманистон ҳудуди билан туташиб кетган Қашқадарё кенгликларига тўғри келади. Айни пайтда минглаб сув қудуқларидан 10-15 таси, қоқлардан 3-4 таси, сардобалардан эса фақат 7 таси сақланиб қолган. Қарши чўлини ўзлаштириш жараёнида ўтмиш ёдгорликлари бузиб юборилди ва кўмиб ташланди.

Сардоба — бу сув қоқлари устида баланд гумбаз ўрнатилган иншоот бўлиб, форс тилида «муздек сув» деган маънони англатади. У дашт-саҳроларда ер сатҳидан одам бўйидан баланд девор билан кўтарилиб, бир нечта очиқ дарича, эшикли тарзда бунёд этилган.

Сардобага офтоб нури, тоза ҳаво, шабада ва соя-салқинлик алоҳида сирасрор бағишлаган. Қўриқланадиган сардобаларнинг ичимлик суви чорвадорлар, йўловчилар, савдогар-сайёҳлар учун шифобахш ҳисобланган. Ёмғир сувлари оқиб келиб, аста-секин зилолдек бўлиб тиниган.

Бугунги кунда воҳанинг Нишон, Касби ва Муборак туманлари ҳудудида қадимий сув қудуқларидан Кети-очиқ, Изғончи, Гирсанг, Гулибодом, Девхона, Эшонқудуқ, Ойдин, Ҳадича, Шакарча, Таллиғажир, Қизил Эшқурбон, Ёмби, Қиров, Кўҳилак, Кўркамчак, Отқудуқ, Зиндон, Сандал, Палакпоя, Робот, сув қоқларидан Чиғил, Чорқоқ, Эшонқоқ, Ҳайитлибобо, Найман, Амирқоқ ҳамда «Талимаржон», Нишон, Юсуфбек ҳожи, Каттачиғил, Қамаши, Касби, Муборак сардобалари асраб қолинган. Уларни таъмирлаб, асл ҳолига келтириб, давлат муҳофазасидаги тарихий иншоотлар рўйхатига киритилса савоб иш бўлар эди.

XV-XVI асрларда барпо этилган. Талимаржон сардобасининг эшикдан ҳовуз қисмига олиб тушувчи зинапоялари 27 та, баландлиги 2,1 метр, пишиқ ғиштдан қурилган.

Нишон сардобаси IX-X асрларда қурилган. Унда чопархона саройи, гумбазли қўш меҳмонхонаси, Шаҳид-ота мақбараси билан ягона мажмуани ташкил этади. Сув ҳавзасининг диаметри 24 метр, чуқурлиги 5 метр.

Юсуфбек ҳожи сардобаси (1623 йил) Нишон яйловида жойлашган.

Катта Чиғил сардобаси эса XVI асрда қурилган.

Чўлдаги муҳим ёдгорликлардан бири Қамаши қишлоқ сардобасидир. Бу иншоот IX-X асрларда қурилган бўлиб, XIX асрда қайта таъмирланган. Ҳозиргача сардоба яхши сақланган ва уни тиклаш учун барча имкониятлар бор.

Касби ва Муборак сардобалари ҳам бундан ўн аср аввал қурилган бўлиб, ҳар бир ғиштида аждодларимизнинг қўл излари сақланиб қолган.

Буюк соҳибқирон Амир Темур, Бухоро амири Абдуллахон ва амир Шоҳ Муродлар даврида ҳам Қарши даштига сув чиқариш, каналлар қазиш, янги сув қудуқлари ва сардобалар қуришга катта маблағ ажратилган.

Аждодларимиздан қолган ноёб сув иншоотларини асраш ва тиклаш муқаддас бурчимиздир. Зеро, халқимизнинг бой тарихи буюк келажак асосидир.

**Пўлат ХИДИРОВ, Халқаро «Олтин мерос» жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими аъзоси.**
**Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири.**

*Жума ўгитлари*

# АВФ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Эй фарзанд, ҳар нарса учун халқни жазога лойиқ кўрмагил. Агар бир киши гуноҳ қилиб узр сўраса, қабул қилгил. Чунки у одамдир, гуноҳни ҳаммадан илгари Одам қилибдир.

Бекорга жазо берма. Бир бегуноҳни жазога сазовор қилмагайсан, ҳар нарса учун кишига ғазаб қилмагил ва ғазаб вақтида қаҳрни ютишни одат қил. Бир гуноҳ учун сендан авф тиласалар, кечиришни ўзингга лозим деб билгил. Агар гуноҳкорнинг айбини авф қилмай, жазо берсанг, сени ундан зиёдалигинг қачон маълум бўлади. Кишининг гуноҳини авф қилганингдан кейин, уни койимагил ва унинг гуноҳини эсингга олмагил, бўлмаса, гуноҳини авф қилмаган ҳисобланасан. Ўзинг узр сўрайдиган даражада гуноҳ қилмагил, агар гуноҳ қилсанг, узр этишдан уялмагил. Агар бир киши жазога лойиқ гуноҳ қилса, унинг гуноҳининг оғир ва енгиллигига қарагил, гуноҳига лойиқ жазо буюргил. Инсоф аҳли дебдиларки: жазони гуноҳга лойиқ қилмоқ керакдир. Аммо мен айтаманки, бир киши гуноҳ қилган бўлса, унга жазо бериш керак бўлса, сен унинг гуноҳига лойиқ жазо бермоқчи бўлсанг, раҳм-карам ва ҳалим тарийқин қўлдан бермагил, шундай қилгилки, бир дирам гуноҳга ярим дирам гуноҳнинг жазосини буюргил, бу билан сен ҳам сиёсат расмини бажо келтирган бўласан ҳам мурувват, карам шартин бажо келтирган бўласан ва олижаноблар гуруҳидан ҳамда сиёсат аҳлидан ҳисобланасан, чунки раҳмли одамлардан раҳмсиз кишилар ишининг вужудга келиши номуносибдир...»

«Агар гуноҳкор авф тиласа, қабул қил. Агар ҳар киши сенга ҳожатманд бўлса, бақадр ҳол уни маҳрум қилмагил. Агар у сени яхши (одам деб) гумон этмаса эди, сендан ҳожатини тиламас эди. Ҳожатманд ҳожат тилар вақтида сенга асир бўлади, асирларга раҳм қилмоқ керак, токи икки жаҳонда яхши ном топгайсан... Бас, бу ишда нуқсон қилмагил.

**(Қобуснома)дан.**




Шахрисабздаги «Чорсу» мажмуи қадимий обидалардан бири саналади.

**Э.ҚУЛМУРОДОВ олган сурат.**

*Биласизми?*

## ЧУВАЛЧАНГ ХОСИЯТИ

Чувалчанг деган умумий ном билан юритилувчи қуртларнинг турлари кўп бўлиб, узунлиги ҳатто 2 метрга етадиган чувалчанглар ҳам бор.

Чувалчанглар кичкина жонивор бўлишига қарамай, жуда катта иш қилади. Масалан, чувалчанглар бир квадрат метр майдонда ўзининг 300 тача «тунели»ни қазийди. Натижада тупроқ ичига ҳаво яхши киради.

Ҳар бир чувалчангнинг овқат ҳазм қилиш каналидан йилига 5 килограммча тупроқ ўтади. Агар боғда чувалчанг қолмаса дарахтлар қурир экан. Чувалчангга сероб ердан эса мўл ҳосил олинади.

Чувалчангларнинг ана шу томонларини ҳисобга олиб, баъзи мамлакатларда бу жониворларни боқиб кўпайтириш чоралари кўрилмоқда.

## ЁРУҒЛИК МУҲИТИ

Қуёшнинг кўриниб турган, кўзни қамаштирадиган сатҳи фотосфера деб аталади. «Фотосфера» юнонча сўз бўлиб, «ёруғлик муҳити» деган маънони англатади.

Бундай деб аташ жуда ўринлидир. Чунки худди шу фотосфера ёруғлик ва иссиқлик тарқатади. Унинг устида қуёш атмосфераси - хромосфера жойлашган.

Хромосфера қизил рангли бўлгани учун унга «рангли муҳит» (хромос - юнонча - рангли) деб ном берилган. Унинг қалинлиги Қуёш айланасининг юздан икки қисмига тенг.

1930 йилга қадар хромосферани фақат қуёш тутилиши пайтларида бир неча дақиқагина кузатиш мумкин эди. Француз олими Лио Короногграф ва америкалик Хейл Спектрогелиоксоп деган асбобларни ихтиро этишгач, одатдаги шароитларда фотосферанинг ёруғ нури ичидан хромосферани кузатишга имконият туғилди.

## ҒАЛАБА ДАРАКЧИСИ

Данияликлар бир вақтлар атроф ўлкаларга тез-тез ҳужум қилиб туришган. Уларнинг жанговар юришлари ҳақида шундай бир афсона бор.

Ҳозирги Таллин шаҳрининг эски қалъаси ёнида бўлган жанг арафасида Дания қироли Вальдемар II нинг кўзига кечки осмоннинг алвон ранг фонида оқ рангли хоч шакли кўрингандай бўлади.

Сарой аъёнлари буни қозонилажак ғалабанинг даракчиси деб талқин қиладилар. Эртаси куни қирол қўшини ғалаба қилади.

Шу воқеадан сўнг қирол оқ хоч тасвири туширилган қизил рангли байроқни таъсис этади.

**А.АЛИЕВ.**

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2524. 1 2 3 4 5 6